Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2016 йил Соғлом она ва бола йили

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2016-YIL 14-YANVAR, PAYSHANBA, 6 (8557)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 24 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, қадрли юртдошлар!

Сизларни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана – Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 24 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Биз чорак аср мобайнида босиб ўтган мураккаб йўлимизга назар ташлар эканмиз, ўз вақтида қабул қилинган ва чуқур ўйланган ислоҳотлар дастурини амалга ошириш натижасида Ўзбекистон бугунги кунда профессионал тайёргарликка эга бўлган, яхши таъминланган, Ватанимиз ва халқимизга садоқатли, мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш бўйича кенг кўламли вазифаларни самарали адо этиш, фуқароларимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиясига эга, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Мамлакатимизнинг замонавий Қуролли Кучларини ташкил этишда ҳарбий қурилиш соҳасига принципиал жиҳатдан янгича ёндашувнинг ишлаб чиқилгани кўп жиҳатдан ҳал қилувчи омил бўлди. Бу ёндашув эски, ўз умрини ўтаб бўлган, бир қолипдаги қарорлардан бутунлай воз кечиш, эҳтимол тутилган ҳарбий ҳаракатлар театри ҳамда яқин ва узоқ ён-атрофимизда шиддат билан ўзгариб бораётган вазиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олиш, шунингдек, хорижий давлатларнинг тажриба ва ютуқларини амалий жиҳатдан пухта ўзлаштиришга асосланганини таъкидлаш лозим.

Бугун биз, миллий армиямиз тарихий ва миллий анъаналаримизни сақлаган ҳолда, ҳарбий қурилиш ва ҳарбий санъат соҳасида дунёдаги энг яхши тажрибаларни ўзлаштириб, чегараларимиз хавфсизлигини таъминлашнинг ишончли кафолатига айланди, деб ғурур билан айта оламиз. Ўзбекистон Қуролли Кучларининг таянчи ва суянчи бўлган замонавий ҳарбий хизматчилар тимсолида биз авваламбор чуқур билим ва интеллектуал салоҳиятга, ўз муқаддас ҳарбий бурчини бажариш йўлида қатъий ирода ва мустаҳкам тайёргарликка эга бўлган, она юртимизга садоқатли, мард ва фидойи инсонларни кўрамиз ва улар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Қадрли дўстлар!

Биз яшаётган бугунги замон ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмаслигини барчамиз ўзимизга доимо яхши тасаввур қилганмиз ва тасаввур қиламиз. Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида вазият қандай тез ўзгариб, дунёнинг айрим минтақаларида аҳвол тобора кескин тус олаётгани, турли қарама-қаршиликлар, можаро ва қон тўкишлар кучайиб, халқаро терроризм, экстремизм ва радикализм хавфи ортиб бораётгани, яқин ён-атрофимизда давом этаётган ҳарбий тўқнашувлар бизда чуқур ташвиш ва хавотир туйғусини уйғотмасдан қолмайди, албатта.

Юзага келаётган ана шундай мураккаб ва оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган вазият барчамиздан юқори даражадаги огоҳликни сақлаш ва доимий тайёргарлик ҳолатида бўлишни, миллий армиямизни янада ислоҳ этишга қаратилган эътиборни кучайтиришни, уни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш, қўшинларнинг жанговар тайёргарлиги самарасини оширишни, бир сўз билан айтганда, Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва жанговар қобилиятини ҳар томонлама мустаҳкамлашни талаб этади.

Шу муносабат билан бугунги кунда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш ўта муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблайман.

Биринчидан, вужудга келаётган ҳарбий-сиёсий вазиятни, замонавий ҳарбий санъат соҳасидаги ютуқлар ва ҳарбий қурилиш борасида тўплаган тажрибамизни, шунингдек, юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, миллий армиямизнинг ташкилий тузилиши ва жанговар таркибини, қўшинларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш лозим.

Ўзбекистонга қўшни минтақаларда вазият доимий равишда ўзгариб, таҳдидлар кучайиб бораётган, мамлакатимиз ҳудудига турли босқинчи тўдалар ва қўпорувчи гуруҳларнинг суқилиб кириш эҳтимоли истисно этилмаётган бир шароитда ҳарбий тузилмаларни, биринчи навбатда, хавф-хатар юқори бўлган операцион йўналишларда янада мустаҳкамлаш ва сафарбар этишга устувор аҳамият бериш зарур.

Айниқса, ўтказилаётган жанговар машғулотларга алоҳида эътибор қаратиш ва ушбу йўналишдаги принцип ва ёндашувларни тубдан қайта кўриб чиқиш, машғулотларни ҳар қайси ҳудуд ва минтақадаги мавжуд реал шароитга энг юқори даражада яқинлаштириш, эҳтимол тутилган душманнинг амалга ошириши мумкин бўлган ҳаракатлари хусусиятларини аниқлаш, қўмондонлик таркиби ва штабларни вазиятни ҳар томонлама баҳолаш ва асосланган қарорлар қабул қилишга ўргатиш ўта муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, қўшинларни тезлик билан бир жойдан бошқа жойга кўчириш масалаларини амалий машғулотларда синовдан ўтказиш, ҳар қайси ҳарбий хизматчининг қурол-яроғ ва техникани ишончли равишда ишлата олиши, жисмоний ва маънавий-руҳий жиҳатдан ўта оғир ва мураккаб вазиятларда ҳам мустаҳкам ирода ва матонат кўрсатиб, ўз вазифасини соғ-омон адо этиши учун уларнинг индивидуал малакасини мунтазам равишда ошириб бориш зарур.

Ана шу мақсадларга эришишда полигонларнинг тўлақонли фаолият юритишини ва улардан кенг фойдаланишни таъминлаш, бунинг учун уларнинг инфратузилма ва ўқув моддий-техник базасини ҳар томонлама ривожлантириш борасидаги ишларни давом эттириш даркор.

Иккинчидан, Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳияти, уларнинг ҳаракатчанлиги ва тезкорлигини янада оширишга, махсус операциялар учун мўлжалланган кучлар, вертолётлар ва қўшимча равишда жалб этилган бошқа техникалардан фойдаланган ҳолда, душманнинг заиф нуқталарига зудлик билан шиддатли зарбалар бериш малакасини пухта эгаллашга имкон берадиган қурол-яроғ ва техникаларнинг энг янги турлари билан қўшинларни таъминлаш дастурларини босқичма-босқич амалга ошириш зарур.

Учинчидан, қўмондон ва сержант кадрлар таркибини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш масалаларига эътиборни бир зум ҳам сусайтирмаслик лозим. Бу борада ҳарбий хизматчиларимизнинг ўз профессионал, назарий ва амалий билимларини узлуксиз ошириб бориши, хизматни ўташ ва жанговар фаолият давомида зарур бўладиган тажриба ва кўникмаларни эгаллаши учун барча имкониятларга эга бўлган Қуролли Кучлар Академияси, ҳарбий билим юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактабларининг ўқув тизимини такомиллаштиришга қаратилган ишларни давом эттириш долзарб аҳамиятга эга.

Шулар қаторида миллий армиямизнинг замонавий қуроласлаҳа ва техника билан босқичма-босқич таъминланиши, унинг жанговар таркиби ва тузилишидаги ўзгаришлар, қуролли тўқнашувларнинг ўзгариб бораётган хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, мутахассисликлар таркиби, ҳарбий фанларни ўқитишнинг метод ва технологиялари ҳамда ўқув дастурлари рўйхатини доимий тарзда янгилаб, уларга аниқлик киритиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, ҳарбий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркибининг малакасини янада ошириш, уларнинг чет тилларини эгаллаши, таълим жараёнларини ташкил этиш бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириши ва ўқув ишларига энг янги ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш устувор вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Айни пайтда Қуролли Кучлар Академияси ва мамлакатимизнинг шу йўналишдаги бошқа таълим муассасаларида ҳарбий фанларнинг энг зарур ва долзарб йўналишлари бўйича дарс бериш учун хорижий давлатларнинг етакчи ҳарбий таълим муассасалари ва тадқиқот марказлари ўқитувчилари, эксперт ва мутахассисларини кенг жалб этиш борасидаги ишларимизни тизимли ва изчил асосда кучайтиришимиз керак.

Тўртинчидан, дунё шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги замонда, халқимизнинг маънавий қадриятлари, маданияти ва урф-одатларига мутлақо зид бўлган, ёт ва бузғунчи ғояларни жамиятимиз ҳаётига турли йўллар билан сингдиришга қаратилган уринишлар кучайган, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онгини эгаллаш учун кескин кураш кетаётган бир шароитда, ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматгача бўлган ёшдаги фарзандларимизни тарбиялаш ва уларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигини ошириш борасидаги ишларнинг роли ва ўрни тобора ортиб бормоқда.

Шу муносабат билан таълим муассасалари, ҳарбий ва меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда ёшларимиз қалбида Ватанга юксак муҳаббат, Қуролли Кучларимиздан ғурурланиш ва ҳарбий хизматга чуқур ҳурмат туйғуларини камол топтириш мақсадида ҳарбий ватанпарварлик йўналишидаги тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишларни янада кучайтириш, ҳеч шубҳасиз, алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Ана шундай узоқ муддатга мўлжалланган, долзарб вазифаларни амалга оширишда Мудофаа вазирлиги қошидаги Жамоатчилик кенгаши, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари ва тузилмалар, маданият, санъат ва спорт соҳаларининг кўзга кўринган намояндаларининг ўрни ва таъсири беқиёс, албатта.

Бундай ўта муҳим ишда расмиятчилик ва юзаки ёндашувлардан воз кечган ҳолда, оммавий ахборот воситалари ва Интернетнинг миллий тармоғи имкониятларидан кенг фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир.

Бешинчидан, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, турaржой, маиший ва тиббий хизмат билан таъминлаш бўйича давлат дастурларини сўзсиз бажариш зарур. Юртимизда 2016 йилнинг “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилиниши муносабати билан қабул қилинган ҳукумат қарорлари ва давлат дастурлари доирасида ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган аниқ, комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Мамлакатимиз Қуролли Кучлари нуфузини янада мустаҳкамлашнинг ҳал қилувчи омили аввало ҳарбий хизматни ўташ учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, ҳарбий хизматчилар ва уларни оилаларининг ижтимоий ҳимояси ва фаровонлигини таъминлаш билан узвий боғлиқдир.

Ҳурматли ватандошлар!

Фурсатдан фойдаланиб, бизнинг Ҳарбий доктринамиз мудофаа характерига эга эканини, Қуролли Кучларимиз салоҳиятини ошириш йўлидаги барча саъй-ҳаракатларимиз биринчи навбатда мамлакатимизнинг давлат суверенитети, унинг ҳудудий яхлитлиги, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилишга қаратилганини яна бир бор таъкидламоқчиман.

Айнан шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳеч қайси ҳарбий блокка қўшилмайдиган давлат сифатида, ҳар томонлама чуқур ўйлаган ва тўлиқ англаган ҳолда, ўзи учун принципиал аҳамиятга эга бўлган муҳим йўлни танлаб олди ва шу йўлда қадам қўйди. Яъни, мамлакатимиз тинчликсевар сиёсат олиб бориш, ҳарбий-сиёсий иттифоқ ва коалицияларга қўшилмаслик, ўз ҳудудида хорижий ҳарбий база ва объектларни жойлаштирмаслик, юртимиздан ташқарида бўладиган тинчликпарварлик операцияларида қатнашмаслик бўйича ўз позициясини аниқ-равшан белгилаб олди.

Бугунги байрам айёмида, авваламбор, ўзининг шарафли, олижаноб ва масъулиятли бурчини – Ватанни ҳимоя қилишдек буюк вазифани муносиб адо этаётган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналарига чин қалбдан ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман.

Янги – 2016 йилда Қуролли Кучларимиз сафларида муқаддас бурчини бажариб келаётган сиз, мард ва ботир ўғлонларимизга – оддий аскар ва сержантларга, офицер ва генералларга Ватанга садоқат билан хизмат қилиш йўлида мустаҳкам соғлиқ, куч-қувват ва катта муваффақиятлар, хонадонларингизга бахт ва фаровонлик тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони

МАМЛАКАТИМИЗ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ

“ТУРКИСТОН” САРОЙИДА 13 ЯНВАРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 24 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА 14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тантанали маросимни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 24 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қ.Бердиев ўқиб эшиттирди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз тинчлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир, замонавий, ҳар томонлама яхши қуролланган миллий армиямизни ташкил этиш бўйича кенг кўламли ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 1991 йил 6 сентябрдаги Мудофаа ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисидаги фармони бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатлар пойдевори бўлди. Кейинчалик Президентимиз фармонига мувофиқ, Мудофаа ишлари вазирлиги Мудофаа вазирлигига айлантирилди.

Президентимиз ташаббуси билан 1992 йил 14 январда мамлакатимиз парламентининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши тарихий аҳамиятга эгадир. Шу кундан эътиборан мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий қисм ва муассасалар Ўзбекистон Республикаси тасарруфига ўтказилди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан 1993 йил 29 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонунига биноан 14 январь Ватан ҳимоячилари куни, деб эълон қилинди. Мазкур тарихий ҳужжатга асосан Ватан ҳимоячилари куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаб келинмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН – КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ҚЎМИТАНИНГ ФАОЛ ФАОЛИЯТИ

қонунчиликни янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш истиқболларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Унда қўмита томонидан ўтган йилда бажарилган ишлар ва кейинги йилларга мўлжалланган ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишлари Дастури ижросини таъминлашга қаратилган вазифалар муҳокама этилди.

Қайд этилганидек, мазкур қўмита Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида белгиланган нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини янада қўллаб-қувватлаш борасидаги вазифалар ижросини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Хусусан, ўтган даврда Ўзбекистон Республикасининг Янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги, “Экологик назорат тўғрисида”ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишида фаол иштирок этди.

Матбуот анжуманида ўтган даврда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга доир қонунчилик механизмини янада такомиллаштириш, ишлаб чиқилаётган қонунларнинг халқаро амалиёт ва андозаларга мос бўлишини таъминлаш, улардаги зиддиятларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида соҳага оид қонунлар таҳлил қилинганлиги ва инвентаризациядан ўтказилганлиги, бунинг натижасида кўплаб қонунларни бугунги кун эҳтиёжидан келиб чиқиб такомиллаштирилиши лозим бўлган нормалар аниқланганлиги айтиб ўтилди.

Тадбирда қўмитанинг истиқболдаги режалари ҳақида маълумот берилди. Журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

Инобат МАТЁҚУБОВА,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Qishloq HAYOTI
2016 йил 14 январь

МАМЛАКАТИМИЗ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ

(Боши 1-саҳифада)

Қуролли Кучларимизни шакллантириш жараёнида энг долзарб масалалардан бири – кадрлар масаласи эди. 1990 йилда маҳаллий офицерлар юртимиздаги ҳарбий кадрларнинг атиги 0,6 фоизини ташкил этарди. Мазкур муаммони ҳал этиш мақсадида ҳарбий таълим тизими тубдан ислоҳ қилинди. Бир қатор олий ҳарбий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилиб, уларда ҳарбий хизматга салоҳияти баланд, ахди қатъий, шижоатли, мард ва жасур ҳарбий кадрлар тайёрлашга киришилди.

Ҳозирги кунда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртлари, Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультетида замонавий билим ва мутахассисликларга эга етук ҳарбий кадрлар тайёрланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясида малакали офицерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ҳарбий соҳадаги илмий-амалий тадқиқотларни мувофиқлаштириш, мамлакатимизда ҳарбий таълимни ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

2012 йили Тошкент тиббиёт академияси ҳузурида ташкил этилган ҳарбий-тиббиёт факультети интеллектуал салоҳиятли, юксак малакали тиббий хизмат офицерлари, резерв ва захирадаги офицерлар таркибини тайёрлашга хизмат қилмоқда. Ушбу факультет Қуролли Кучлар тиббий ходимларининг ҳарбий ва касб тайёргарлиги даражасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш, билим ва кўникмаларини чуқурлаштириш, ҳарбий-тиббиёт соҳасида илмий тадқиқотлар олиб боришни ташкил этиш борасидаги асосий таълим муассасаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларида Қуролли Кучларимиз учун 30 га яқин йўналиш бўйича юқори малакали офицер кадрлар тайёрланмоқда. Офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишнинг самарали тизими яратилган бўлиб, булар Сержантлар тайёрлаш мактаблари, олий ҳарбий таълим муассасалари, малака ошириш факультетлари, Қуролли Кучлар Академияси ҳузуридаги офицерларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш олий курслари ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясидир. Бу ўқув масканлари ҳарбий хизматчиларга профессионал, назарий ва амалий билимларини такомиллаштириш, ҳарбий-жанговар фаолиятида тажриба ва малакасини ошириш имконини бермоқда.

Қуролли Кучларда амалга оширилган улкан ислоҳотлар натижасида миллий армиямизнинг ташкилий тузилмалари бутунлай қайта кўриб чиқилди, Қуролли Кучларни тезкор-стратегик бошқаришнинг замонавий ва самарали тизими яратилди. Қўшин турларининг ўзаро ҳаракатланишини такомиллаштириш, уларни замонавий техника ва қурол-яроғ билан таъминлаш, жанговар ва ўқув тайёргарликнинг маъно-мазмунини ўзгартириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тубдан яхшиланди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, армияда хизмат қилиш ёшларимиз учун алоҳида маъно-мазмунга эга бўлиб, унинг нуфузи ортиб бормоқда. Бундай хизматнинг жозибадорлиги фақат яратиб берилаётган имтиёзлар ва ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ва моддий жиҳатдан юқори даражада таъминлангани билангина боғлиқ эмас, албатта. Бу, авваламбор, армия ёш авлодимиз учун ҳақиқатан ҳам мардлик ва мустаҳкам иродани, юксак ватанпарварлик туйғусини, Ватанимизга севги ва садоқат ҳисларини тарбиялайдиган ҳаёт мактабига айлангани билан изоҳланади. Мухтасар айтганда, мустақиллик йилларида ҳар томонлама тайёргарликка эга ва армияда чиниқиш мактабини ўтаган, ҳар қандай фурсатда Ватан ҳимояси учун тайёр бўлган бутун бир авлод вояга етди ва мустаҳкам оёққа турди, деб ғурур ва ифтихор билан таъкидлашимиз мумкин.

Мамлакатимизда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-моддий қўллаб-қувватлаш, уй-жой билан таъминлаш ва маиший шароитини янада яхшилаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. 2015 йилда ҳам кўплаб ҳарбий хизматчилар ўз уйларига эга бўлди.

Бу йил Ватан ҳимоячилари куни мамлакатимизда **“Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!”** шиори остида нишонланмоқда. Давлат ва жамоат ташкилотлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан ҳарбий қисм ва бўлинмаларда, барча вилоятларда, олис қишлоқ ва маҳаллаларда учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Уларда халқимиз юртимиздаги тинчлик-осойишталикни қадрлаши, бу азиз неъматни асраб-авайлашга барча ўзини бирдек дахлдор сезиши – Ўзбекистон ягона Ватан, бир тану бир жон экани намоён бўлмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2016 йил 12 январда қабул қилинган фармонига мувофиқ, Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. Йиғилишда уларга Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

– Ватанимизнинг юксак мукофотига муносиб кўрилганимдан фахрланаман, – дейди Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири, “Мардлик” ордени соҳиби, капитан Улуғбек Абдуллаев. – Биз, ҳарбийлар давлатимиз раҳбарининг доимий эътибори ва ғамхўрлигини ҳис этиб яшаяпмиз. Бу бизга катта куч ва маънавий мадад беради.

“Энг илғор олий ҳарбий таълим муассасаси”, “Энг илғор Сержантлар тайёрлаш мактаби”, “Энг илғор мудофаа ишлари бошқармаси” танлови ғолиблари эълон қилиниб, диплом ва эсдалик совғалари билан мукофотланди.

Тадбирда “Жасорат” медали соҳиби, майор Исломиддин Норқобилов, “Мардлик” ордени соҳиби, кичик сержант Фарҳоджон Олимов, аскар онаси Малика Бекенова, халқаро тоифадаги ҳакам, ФИФА рефериси, “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби Равшан Эрматов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, шоира Энахон Сиддиқова ва бошқалар Ватан ҳимоячиларини байрам билан табриклаб, Президентимиз Ислом Каримовга ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик билдирди.

Ёлқин ШАМСИДДИНОВ, Отабек МИРСОАТОВ (ЎзА) олган суратлар.

Тантанали маросимда таниқли санъаткорлар ва ёш истеъдодлар ижросида катта байрам концерти намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев, Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Фарғона ва Самарқанд вилоятларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар ва уларнинг ота-оналари учун видеомулоқот ташкил қилинди.

ДИЙДОР ЗАВҚИ

Видеомулоқот давомида Самарқанд вилоятида хизмат бурчини ўтаётган фарғоналик йигитлар ҳамда Фарғона вилоятида ушбу шарафли бурчни адо этаётган самарқандлик ҳарбийлар ота-оналари, устоз ва яқинлари билан суҳбат қилдилар. Аскарлар суҳбат жараёнида ҳарбий хизматда эришган ютуқлари, ҳарбий билим ва кўникмаларни эгаллаш учун яратилган шароитлар тўғрисида гапириб беришди.

– Самарқанд вилоятида хизмат бурчини ўтаётган ўғлим билан суҳбатлашдим, – дейди фарғоналик Садоқат Солиева. – Фарзандим эришган ютуқларни, ҳарбий қисмдаги шароитларини, қуролдош дўстларининг аҳиллигини эшитиб, кўнглим тоғдек кўтарилди.

– Гўзал Фарғона ҳақида телевизор орқали кўриб, газеталардан ўқиганман, – дейди самарқандлик Шерозбек Кароматов. – Хизмат бурчимни ўташ учун келганимдан буён бу заминнинг чиндан ҳам гўзаллигига, одамларининг меҳнатсевар, меҳмондўст эканлигига амин бўлдим. Гўзал хиёбонлар, ажойиб ва муҳташам бинолар, кенг ва равон кўчалар кишининг ҳавасини келтиради. Телемулоқотда ота-онамга шулар тўғрисида гапириб бердим. Мен Ватанимга хизмат қилаётганимдан мамнунман.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ

Андижон Вилояти

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номли вилоят мусиқали драма ва комедия театрида Андижон вилоятидаги ҳарбий қисмлар, олий ва ўрта-махсус ўқув юртларининг талаба-ўқувчилари ўртасида “Ватан олдидаги бурчим ва садоқатим” шиори остида ҳарбий ва эстрада қўшиқлар кўрик-танлови ўтказилди.

БУРЧ ВА САДОҚАТ ТАРАННУМИ

Унда 30 дан ортиқ ижрочилар иштирок этишди. Танловга тақдим этилган ижод намуналари ўзига хос савияси ва маҳорат билан ижро этилганлиги янада аҳамиятли бўлди.

Якуний натижаларга кўра, биринчи ўринни Асака тумани Маданият ва спорт ишлари бўлими жамоаси, иккинчи ўринни Марҳамат тумани Маданият ва спорт ишлари бўлими жамоаси, учинчи ўринни эса Андижон қишлоқ хўжалик институтининг вакиллари қўлга киритишди.

Ғолиблар ташкилотчилар ва ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Умиджон МАМАРАСУЛОВ

Жиззах Вилояти

Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида намунали хизмат қилган фахрий хизматчилар билан учрашув ташкил этилди.

ФАХР ВА ҒУРУР ҲИССИ БИЛАН

Билим юрти курсантлари ҳамда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар иштирокида уюштирилган тадбирда миллий армиямизнинг шаклланиш жараёни, хусусан, қўшинларни ҳарбий мутахассислар ҳамда қурол-аслаҳалар билан таъминлаш, аскар ва офицерлар ўртасида ўтказилаётган мусобақа ва танловлар, соҳа вакилларини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган тадбирлар тўғрисида атрофлича фикр юритилди.

Хусусан, 120 дан ортиқ давлатлар қуролли кучлари орасида Ўзбекистон армияси профессионаллик, жанговар шайлик, замонавий қурол-яроғлар билан таъминланиш бўйича 47-ўринни эгаллайди. Бунга тизимни ислоҳ қилиш ва модернизациялашга қаратилган истиқболли дастурни амалга ошириш орқали эришилган.

Шунингдек, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ҳарбий олий ўқув юртлари моддий техник базасини мустаҳкамлаш борасида қўлга киритилаётган ютуқлар Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти ҳамда сержантлар мактаблари мисолида тилга олинди.

Учрашувда фахрий офицерлар ўзларининг ҳарбий фаолиятлари хусусида ҳамда ҳозирги кунда ҳарбийларга яратилган имкониятларни сўзлаб беришди.

Алижон АБДУСАТТОРОВ

Тошкент Вилояти

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг 24 йиллиги ва 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан жойларда турли маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

САРҲАДЛАР ДАХЛСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ

Ана шундай тадбирлардан бири “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди томонидан Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юртида ҳам ташкил этилди. Тадбирда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, офицерлар, курсантлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар. “Ўзбегим ёшлари” гуруҳи ҳамда “Суғдиёна” халқ чолғулари миллий камер оркестрлари томонидан намойиш этилган маданий дастур эса йиғилганларга байрамона кайфият бағишлади.

Президентимизнинг 2015 йил 9 декабрдаги “Ватан ҳимоячилари куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги фармойиши асосида “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фондининг чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, фоннинг кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадалари Республикамиз миқёсида ҳарбий қисмларда бўлиб, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишиб, уларга тиббий маслаҳатлар беришмоқда.

М.АСҚАРОВА

Қорақалпоғистон Республикаси

ВАТАН ПОСБОНЛАРИ ОНАЛАРИГА ТАШАККУР

Нукусда “Ҳарбий Ватанпарварлик ойлиги” доирасида “Аскар оналарини шарафлаймиз” мавзуида тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларнинг ота-оналари, ҳарбийлар, талаба-ёшлар иштирок этишди.

Тадбирнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида миллий армиямизни босқичма-босқич ислоҳ қилиш, унинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, ҳарбий мутахассислар тайёрлаш, ҳарбийларни ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбирда намунали хизмат ўтаётган бир гуруҳ аскарларнинг ота-оналарига ҳарбий қисм раҳбариятининг, туман ва шаҳар ҳокимликларининг Ташаккурномаси, ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

– Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир йигитнинг бурчидир, – дейди Тахтакўпир тумани “Ўзбекистон” қишлоқ фуқаролари йиғинида истиқомат қилувчи Света Қайипназарова. – Ўғлим Дониёр Қутлимурадов Фарғона вилоятида ҳарбий хизматни ўтамоқда. Ватан олдидаги муқаддас бурчини адо этиб, жангавор тайёргарлиги ва юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажаргани учун ўғлим ҳарбий қисм раҳбариятининг Ташаккурномасига сазовор бўлди. Фарзандим Ватан тинчлиги, халқнинг осойишталиги йўлида хизмат қилиб, обрў-эътиборга сазовор бўлганидан фахрланаман.

Тадбирга санъат усталари томонидан тайёрланган концерт дастури янада файз киритди.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ

Қашқадарё Вилояти

ЮРТ КОРИГА КАМАРБАСТА

Бизнинг асосий мақсадимиз Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, ёшлар ва фуқароларни Ватанни ҳимоя қилишга тайёрлаш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Марказимизда ракетамодель, мотоспорт, автоспорт, ҳаволи милтиқдан ўқ отиш, триатлон, дуатлон, картинг, Қарши ва Шаҳрисабз автомобиль мактабларида кўпкураш тўгаракларида фаолият кўрсатиб келмоқда. Кейинги йилларда бу ҳар иккала мактабнинг ўқув-моддий базаси такомиллаштирилди. Машғулот хоналари замонавий кўргазмали воситалар, компьютер технологиялари билан жиҳозланди. Уларда ўз ишининг фидойилари бўлган ўқитувчилар, уста-йўриқчилар ёшларга соҳа сирларидан сабоқ беришмоқда.

Фозил Мирзаев Қарши автомобиль мактабининг малакали ўқитувчиларидан бири ҳисобланади. Мана қарийб ўттиз йилдирки, у ёшларга касб сирларини жонкуярлик билан ўргатиб келади. У кўп йиллик хизматлари учун давлатимизнинг юксак мукофоти – “Шуҳрат” медали билан тақдирланди. Ана шундай фидойи инсонлардан яна бири ўргатувчи-уста Илҳом Сатторовдир. Унинг мазкур мактабда фаолият кўрсатаётганига ҳам ўттиз йилга яқинлашиб қолди. Эътиборлиси, бу ерда фаолият юритаётган кўплаб ўқитувчи ва усталар шу мураббийнинг шогирдлари ҳисобланади.

Шаҳрисабз автомобиль мактабининг раҳбари Алишер Хидиров илк фаолиятини шу ерда оддий ўқитувчиликдан бошлаган. Жонкуяр, интилувчан йигит фаоллиги ва тиришқоқлиги билан мактабда обрў-эътибор топди. Барча ўқув даргоҳларида бўлгани каби бу ерда ҳам таълим ва тарбия уйғунликда олиб борилади. Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси ташкилот фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Бу борадаги ишлар савиясини оширишда маънавий-маърифий тадбирларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Вилоятда техник ва амалий спорт турларини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда вилоятда 65 та тўгарак фаолият юритаётган бўлиб, уларда 1352 нафар ёшлар мунтазам шуғулланмоқда. Эътиборлиси, мазкур тўгаракларда қизларнинг сони ҳам ошиб боряпти. Биргина ўтган йили Ўзбекистон ўқ отиш спорт федерацияси ва “Ватанпарвар” ўқ отиш кубоги биринчилигида Камила Равшанбекова ғолибликни қўлга киритди. У, бундан ташқари, Тошкент, Бухоро, Наманган, Навоий шаҳарларида бўлиб ўтган баҳсларда ҳам иштирок этиб, шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилди. Шунингдек, Бурҳониддин Эркаев ҳам ҳаволи милтиқдан ўқ отиш бўйича бўлиб ўтган республика мусобақасида бош соврин соҳиби бўлди. Энди эса Камила Равшанбекова, Бурҳониддин Эркаевлар 2016 йилда Осиё ва Жаҳон биринчиликларида иштирок этишади. Бундан ташқари, яна бир спортчи қизимиз Гулчеҳра Қурбонова республика ёзги дуатлон биринчилигида тенгсиз деб топилди. Юлдуз Жўраева ҳам бу борадаги ютуқлар кўламини кенгайтирди. Турли нуфузли мусобақаларда иштирок этиб келаётган Арслон Турсунов, Икром Тошпўлатов, Шавкат Диёров, Бобоназар Ботиров каби спортчиларимиз ҳам нафақат вилоятда, қолаверса, республикада иқтидорли спортчилар сифатида танилишди.

Албатта, спорт соҳасида эришилган ютуқларда устоз мураббийларнинг хизматлари алоҳида. Ўзбекистон чемпиони Асомиддин Бобоқулов вилоятимизнинг энг ёш спорт мураббийларидан саналади. Ёш бўлишига қарамасдан унинг шогирдлари вилоят, республика мусобақаларда муваффақият билан иштирок этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси, республика тоифасидаги ҳакам Хуррам Азизовнинг мерган шогирлари ҳам катта спорт майдонига дадиллик билан кириб келмоқда. Бундай муваффақиятлар бизни янада ғайрат ва шижоат билан ишлашга ундайди.

Қуролли Кучлар учун ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлашга мактабимизда барча шарт-шароитлар яратилган. Қарши ва Шаҳрисабз автомобиль мактабларида қўшимча радиотелефонист, ошпазлар тайёрлашга мўлжалланган ўқув хоналари тайёрланди. Мазкур машғулот хоналари энг замонавий ўқув воситалари билан жиҳозланди. Косон ўқув спорт техника клуби қошида эса 10 метрли замонавий ўқ отиш тири барпо этилди.

Сирасини айтганда, юрт тақдирига камарбаста бўлган аҳил жамоамиз Янги йилда ютуқлар кўламини янада кенгайтириб, ёшларни мард, жасур, ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшаверади.

Бобир ЯЗДАНОВ,
Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Қашқадарё вилояти кенгаши раҳбари.

СОЛИҚ ЮКИНИНГ КАМАЙИШИ

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Президентимизнинг 2015 йил 22 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳияти ҳамда 2016 йилда солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартишлар ва соҳадаги янгиликларни солиқ тўловчиларга етказиш мақсадида кўргазмали семинар ўтказилмоқда.

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

Беш кунга мўлжалланган ушбу семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Молия вазирлиги ҳамда бошқа алоқадор вазирлик, идоралар масъул ходимлари, Тошкент шаҳри ва вилоятида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этмоқда.

Тадбирнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, истиқлол йилларида юртимиз солиқ қонунчилиги соҳасида амалга оширилган изчил ислоҳотлар мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, пировардида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, юртимиз иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатлари кўзга ташланмоқда. Аҳоли реал даромадлари ортиб, халқимиз турмуш фаровонлиги сезиларли даражада юксалмоқда. Хусусан, мустақил тараққиёт йилларида республикамиз иқтисодиётининг қарийб 6 баробарга, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 9 баробардан зиёдга ўсганлиги ҳам мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар самарасидан далолат бераётир.

Эътиборлиси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини таъминлаш, аҳоли даромадларини оширишга қаратилган ислоҳотлар жорий йилда ҳам изчил давом эттирилади. Буни давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 22 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ушбу қарорга асосан юртимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, аҳолининг реал даромадларини ошириш мақсадида қатор солиқ ва мажбурий тўловларнинг ставкалари пасайтирилди, шу билан бирга, қатор имтиёзлар муддатлари узайтирилди.

– Хусусан, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 2015 йилдаги 6 фоиздан 1 фоизли пунктга пасайтирилиб, 5 фоиз қилиб белгиланди, – дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ солиш методологияси бошқармаси бош инспектори Муниса Маҳкамова. – Шунингдек, божхона расмийлаштируви бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар (божхона брокерлари) учун ягона солиқ тўлови ставкаси ҳам 6 фоиздан 1 фоизли пунктга пасайтирилди. Экспорт қилувчи корхоналар учун фойда солиғи, ягона солиқ тўлови ва мол-мулк солиғининг регрессив ставкасини қўллаш тартиби, яъни экспорт улуши сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача бўлганда, белгиланган ставка 30 фоизга, 30 фоиз ва ундан кўп бўлганда, ставка 50 фоизга пасайтирилиши жорий йилда ҳам сақланиб қолинди. Бундан ташқари, 2016 йилдан бошлаб мобил алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) учун фойда солиғини рентабеллик даражасидан келиб чиқиб тўлаш, яъни рентабеллик даражаси 20 фоизгача бўлганда, 7,5 фоиз ставкада, рентабеллик даражаси 20 фоиздан юқори бўлганда эса фойда суммасига 50 фоиз ставкада солиқ тўлаш белгиланди.

Тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар учун фойда солиғи, мол-мулк солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этиш тарзидаги имтиёзлар ҳамда тўқимачилик саноати корхоналари учун мол-мулк солиғи тўлашдан озод этиш бўйича берилган имтиёз муддати 2018 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди.

Шунингдек, солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартишларга мувофиқ автомобиль транспорти соҳасида фаолият юритувчи кичик корхоналарга ходимлари сонини 25 тадан 50 тагача оширган ҳолда кичик бизнес субъектларига берилган имтиёз ва енгилликлардан фойдаланиш ҳуқуқи берилди.

Фаолиятни юритиш жойидан қатъи назар, бензин, дизел ёқилғиси ва суюлтирилган газ, шунингдек, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини сотувчи корхоналар учун 2016 йилдан бошлаб ягона солиқ тўлови ставкаси унификация қилиниб, товар айланмасига нисбатан 4 фоиз миқдорида белгиланди.

2016 йилнинг 1 январидан бошлаб норуда қурилиш материалларига (цемент, оҳак, гипс ва бошқа маҳсулотлар хомашёси) ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари бирхиллаштирилиб, ягона 5 фоизлик ставка жорий этилди.

Бундан ташқари, ягона ер солиғи ставкаси қишлоқ хўжалиги ерларининг қайта ҳисобланган норматив қийматига нисбатан 0,95 фоиз миқдорида белгиланди. Бунда 2016 йил 1 январдан бошлаб ягона ер солиғи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги "Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ аниқланган қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Жисмоний шахслар даромадларига солиқ юкини пасайтириш мақсадида жорий йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкасининг иккинчи шкаласи (энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда) 2015 йилдаги 8,5 фоиздан 1 фоизли пунктга камайтирилиб, 7,5 фоиз қилиб белгиланди. Натижада 235 миллиард сўмдан ортиқ маблағнинг ишчи ва хизматчилар ихтиёрида қолишига имкон яратилди.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг фаолият турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ ставкалари 2015 йил даражасида ўзгаришсиз қолдирилди. Эътиборлиси, мазкур солиқ ставкаси йил бошига белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан, яъни 130 240 сўм (01.01.2016)дан келиб чиқиб аниқланади ва йил давомида энг кам иш ҳақи миқдори ўзгарган тақдирда қайта кўриб чиқилмайди.

Шунингдек, қарорга кўра, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг амалдаги ставкаси 15 фоизга индексация қилинди ва солиқнинг асосий ставкаси мол-мулкнинг инвентаризация қийматига нисбатан 1,5 фоиз микдорида белгиланди. Алоҳида ставкалар шаҳарларда жойлашган умумий майдони 200 кв. метрдан 500 кв. метргача бўлган турар-жой ва квартираларга 1,8 фоиз, майдони 500 кв. метрдан ортиқ бўлган турар-жой ва квартиралар учун эса 2,5 фоиз қилиб белгиланди. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни кадастр ҳужжатларидаги инвентаризация қийматидан келиб чиқиб, бироқ 3 миллион сўмдан кам бўлмаган миқдордан солиқ ҳисоблаш тартиби жорий қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жорий йилга оид солиқ муносабатларини тартибга солиш ва янада такомиллаштириш мақсадида юртимиз қонунчилигида ҳам қатор ўзгартишлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 31 декабрдаги "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни билан Солиқ кодексининг 39 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, жисмоний шахсларга мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлаш учун бериладиган хабарнома бир вақтнинг ўзида ҳам тўлов хабарномаси, ҳам солиқни тўлаб бериш тўғрисидаги талабнома вазифасини бажариши белгиланди.

Давлат солиқ хизмати органига камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутлар асосларини ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этмаган солиқ тўловчиларнинг ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш юзасидан судга ариза билан мурожаат этиш ҳуқуқи берилди.

Тизимдаги янгиликлардан яна бири кирим қилинмаган товарлар учун қўлланиладиган молиявий жарима 2016 йилнинг 1 январидан бошлаб ушбу кирим қилинмаган товарлар суммасининг 100 фоизи ўрнига 20 фоизи миқдорида ундирилиши белгиланганлигидир.

Кўргазмали семинар давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутасадди ходимлардан батафсил жавоблар олишмоқда.

Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Сирдарё Вилояти

ЗАМОНАВИЙ БИНОЛАРДА ҚУЛАЙЛИКЛАР БИСЁР

Гулистон шаҳрида Сирдарё вилояти хўжалик судининг биноси қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Барча қулайликлар муҳайё қилинган ушбу мажмуанинг қурилиш, таъмирлаш, реконструкциялаш ишларини Неъмат Шаҳобиддинов бошлиқ "Турон батсервис" МЧЖнинг қўли гул бунёдкорлари амалга оширди.

Мазкур маъмурий бинода иккита қўшимча зал, конференция зали, котиблар ва архив хоналари мавжуд.

* * *

Шунингдек, Сирдарё вилояти фуқаролик судининг реконструкция қилинган маъмурий биноси ҳам фойдаланишга топширилди.

Бу ерда Баҳриддин Холдоров бошлиқ қурувчилар иш олиб боришиб, таъмирлаш ишларини қисқа муддатда тугаллашди. Маъмурий бино мукаммал таъмирланди, қўшимча автотураргоҳ, ошхона, янги суд зали барпо этилди. Замонавий бинода барча қулайликлар муҳайё этилган. Электр таъминоти узилиши пайтида фойдаланиш учун қуёш батареяси ҳам ўрнатилган. Эндиликда фуқаролар ариза-мурожаатларини интернет орқали ҳам юборишлари мумкин.

Биноларнинг фойдаланишга топширилиши муносабати билан ташкил этилган тадбирларда вилоят ҳокими О.Ашурматов иштирок этди.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ

Сурхондарё Вилояти

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАР ТАЯНЧИ

Жамиятимизда аёллар ўзининг билим ва тажрибаси, профессионал малакаси ва маҳорати билан кўпгина жабҳаларда етакчи мавқеларни эгаллаб келмоқда. Бугун ҳаётимизда тобора катта ўрин олаётган фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, юқори технологияга асосланган замонавий тармоқлар, тиббиёт, таълим ва тарбия, маданият ва санъат каби соҳа ва тармоқлар ривожини аёлларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

РЕКЛАМА ҲУҚУҚИДА

Ҳа, шундай! Биргина тадбиркорлик соҳасини олиб кўрайлик. Бу жараёнда ишбилармон аёлларнинг фаол ҳаракати мамлакатимиз иқтисодиёти юксалишига муносиб улуш бўлиб қўшилмоқда. Уларга яратилаётган қулай ишбилармонлик муҳити эса соҳа тараққиётини белгилаб, яна кўплаб оилаларга барака ва даромад киритмоқда. Тижорат банкларининг тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳаракатлари ишбилармонлик муҳитини янада яхшиламоқда.

"Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки ҳам ўз фаолиятини олиб боришда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларнинг молиявий мададкори бўлишни устувор вазифаларидан этиб белгилаган молия муассасаларидан биридир.

Банк томонидан ўтган 2015 йилда тадбиркор аёлларга 90,3 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Молия муассасасининг Сурхондарё вилоятидаги филиаллари томонидан ҳам аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Буни банк мижозларининг фикрларида ҳам билиш мумкин.

– Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор, яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, ўз бизнесимни йўлга қўйдим, – дейди Жарқўрғон тумани Қорақурсоқ маҳалласидаги "Гулбаҳор Нурли келажак" МЧЖ раҳбари Дилафрўз Каримова. – Бизнес режамни "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг Жарқўрғон филиалига тақдим этдим. Банк томонидан қисқа муддатда тегишли кредит ажратилди. Бизнес-режага кўра, кредит эвазига замонавий тикув дастгоҳлари келтириб, тикувчилик цехи ташкил қилдик. Ҳозир бу ерда 12 нафар киши ишламоқда. Умуман олганда, банкнинг мададини ҳар доим ҳис этиб келмоқдамиз. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириш борасида изланишлар олиб боряпмиз. Уларни амалга оширишда ҳам банкнинг кўмагига суянамиз.

– "Микрокредитбанк"ни эътирофга лойиқ молия муассасалари сирасига киритиш мумкин, – дейди Музработ туманининг Алпомиш номли маҳалласида фаолият юритаётган "Гулшана текс" хусусий корхонаси раҳбари Иззат Муродова. – Чунки мазкур банк кредитларини тадбиркорларга маъқул шартларда тақдим этмоқда. Жумладан, ўзим ҳам корхонани ташкил этишда унинг йиллик атиги уч фоиз бўлган микрокредитидан фойдаландим. Ҳозирги кунда банк кўмаги билан самарали фаолият юритаётган корхонамизда аҳолига бир неча турдаги кийим-кечаклар тайёрлаб келяпмиз. Биз тайёрлаётган маҳсулотларга эса ички бозорда талаб юқори. Шу боис, келгусида иш қўламини янада кенгайтириш ниятидамиз.

– Юртимизда тадбиркорларга кенг шарт-шароитлар, беқиёс имтиёз ва имкониятлар яратилган, – дейди Ангор туманидаги "Нафис чеварчилик" корхонаси раҳбари Солия Оллоёрова. – Ундан унумли фойдаланаётганлар эса жуда кўп. Шулар орасида ўзим ҳам борлигимдан фахрланаман. Тикувчилик корхонасини ташкил этиш учун бизнес-режа тузгандим. Уни "Микрокредитбанк"нинг мутахассисларига тақдим этдим, улар лойиҳамни қўллаб-қувватлашди. Шу билан ўз бизнесимни йўлга қўйдим. Ҳозир мазкур молия муассасасининг мижози сифатида шу нарсага амин бўлдимки, банк танлаб, адашмаган эканман. Нега деганда, ҳар safar маблағ ёки молиявий жиҳатдан маслаҳат зарур бўлса, банк ходимларига мурожаат этаман. Улар эса ёрдамларини аямайдилар. Бунинг устига банк томонидан ажратилаётган сармоялар имтиёзли, қайтариш шартлари ҳам оддий. Бу тадбиркорлар учун айни муддаодир.

Сирасини айтганда, мамлакатимизда аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор натижасида бугун жамиятимизда фаол ва тадбиркор аёллар safи кенгаймоқда. Уларнинг жамият равнақига қўшаётган ҳиссаси ҳам ошиб бораётир.

Анвар БОТИРОВ

Хизматлар лицензияланган.

○ Эълонлар

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Андижон шаҳридаги "Саховат" уйи бино ва иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш (2-этап).

Объектнинг бошланғич нархи: ҚҚС билан 2.362.041.691 сўм, ҚҚСсиз 1.968.368.076 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 300 кун.

Буюртмачи: Андижон вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзил: Андижон шаҳри Навоий кўчаси 45-уй. Тел: (998 74) 223-61-08, 223-08-28.

Молиялаштириш манбаси: Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан.

Бошланғич қиймати 500 миллион сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади, бошқа тенг шароитларда кичик бизнес субъектлари афзалликка эга ҳисобланади.

Марказлаштирилган капитал қўйилмалари ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов (тендер) савдоларига фақат Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган ташкилотлар қўйилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келиши керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга ва тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади: қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолаш ва ўтказишда қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларнинг таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказиг**а қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Андижон шаҳри Навоий шоҳкўчаси 30-уй. Тел/факс: 223-57-05.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 100 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиши куни ва соати.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилган санадан 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

БАРЧА ТУРДАГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси томонидан "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 2016 йил 12 январь 5 (8556)-сонида чоп этилган танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълондаги "Лот-1-3: Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманидаги 27-мактаб филиалини реконструкция қилиш (96 ўқувчи ўринли ўқув блокини қўшимча қуриш)" объекти "Лот-1-3: Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманидаги 36-мактаб филиалини реконструкция қилиш (96 ўқувчи ўринли ўқув блокини қўшимча қуриш)" деб ҳамда "Лот 5-5: Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги Хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини капитал таъмирлаш" объекти бўйича бошланғич нарх ҚҚС билан – 958 587 958 сўм, ҚҚСсиз – 798 823 298 сўм деб ўқилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган (№ 399, 23.04.2010 й.) "ASTREYA" адвокатлик фирмаси (СТИР 202964130) тугатилади. Даъволар 2 ой мобайнида Тошкент ш. М.Улуғбек т. Оққўрғон кўч. 4/2 уй 3-хонадон манзилида қабул қилинади. Тел.: 237-35-20.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 20.07.2011 й. Тошкент педиатрия тиббиёт институтига берилган амал қилиш муддати 20.07.2011 й.дан 20.07.2016 й.гача бўлган (реестр № 05200) ПР № 005284 сонли лицензия йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (05.11.2013 й., реестр № 0113810) рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Абдухалилов Илхомжон Эркиновичга (СТИР 601726620) тегишли Гувоҳнома (Патент) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Сергели т. ТСРЎИ томонидан (10.06.2013 й., реестр № 003896-06) рўйхатга олинган "SIFCO International" МЧЖнинг (СТИР 200642407) устав фонди 10 482 085 451,0 сўмдан 9 981 285 451,0 сўмга камайтирилади. Кредиторлар талаблари 3 ой мобайнида 150-20-91 тел. рақами бўйича қабул қилинади.

Тошкент ш. Бектемир т. ТСРЎИда рўйхатга олинган "SUVMAXSUSTA'MIR" МЧЖнинг (СТИР 201224015) устав фонди 72 979 000 сўмдан 44 098 000 сўмга камайтирилади. Тел.: (0-371) 295-82-35, (+99890) 984-29-11.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (29.05.2014 й., реестр № 006568-01) рўйхатдан ўтган "UCHTEPA TUMANI MADANIYAT VA AHOLI DAM OLISH MARKAZI"га (СТИР 302964341) тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"MAURAS" МЧЖ Устав фонди 516 500 сўмдан 377 000 сўмга камайтирилишини маълум қилади.

Тошкент ш. Олмазор т. ТСРЎИ қарори билан рўйхатга олинган "BISKO" МЧЖнинг Устав фонди 577 300 000 сўмдан 457 300 000 сўмга камайтирилади.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси томонидан "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 2016 йил 12 январь кунидаги 5 (8556)-сонида берилган эълондаги 2016 йил манзилли қурилиш рўйхатига киритилган **"Лот-2. Бухоро вилояти, Бухоро туманида 216 ўқувчи ўринли 41-сонли мактаб қурилиши" объекти бўйича буюртмачининг бошланғич қиймати ҚҚС билан – 2 500 000 000 сўм** деб ўқилсин.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (03.02.2015 й., реестр № 0115571) рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Юлдашев Дониёр Шукуржон ўғлига (СТИР 505597348) тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Яшнобод т. ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "SMART ECO SERVICE" МЧЖ устав фонди 900 000 000 сўмдан 616 042 482 сўмгача камайтирилади.

Тошкент ш. Чилонзор т. ТСРЎИда рўйхатга олинган "MANEGE ART" МЧЖ (СТИР 303067071) тугатилиш жараёни тўхтатилиб, фаолияти қайта тикланишини маълум қилади (11.01.2016 й.даги баённома). Манзил: Чилонзор кўч. 1 А уй.

ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ ВА ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ

«АГРОБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИДИР

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, дунё ҳамжамияти эътирофига сабаб бўлаётган натижалар қўлга киритилмоқда, тараққиётда янги марралар забт этилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида алоҳида қайд этилганидек, Конституциямиз негизига қўйилган талаб ва қоидаларга тўлиқ мос келадиган, дунё ҳамжамиятида "ўзбек модели" деб ном қозонган мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўли нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

AGROBANK

РЕКЛАМА ҲУҚУҚИДА

Ушбу моделнинг мазмунмоҳияти машҳур беш тамойилда мужассамлашгани барчамизга маълум. Улар иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислоҳотчи сифатидаги бошқарувчилик ролини тан олиш, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, шунингдек, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишдан иборат экани билан алоҳида ажралиб туради.

Ана шу модел асосида бугун иқтисодиётимизда ҳам туб-демократик ва бозор ислоҳотлари босқичма-босқич амалга оширилаётир. Яъни хусусий мулкка кенг йўл очиб берилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун қулай шароитлар, имтиёз ва преференциялар яратилиб келинмоқда. Айниқса, хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани нечоғли самара бераётгани ҳеч кимга сир эмас.

Зеро, ушбу ислоҳотларнинг туб моҳиятига "Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун" ғояси сингдирилган.

Таъкидлаш керакки, қўлга киритилган ютуқларда мамлакатимиз тижорат банкларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Яъни юртимизда икки поғонали банк тизими йўлга қўйилиб, республика Марказий банки томонидан мазкур тизимни бир маромда бошқариш стратегияси пухта ишлаб чиқилганлиги молия муассасаларининг барқарор фаолият юритиши учун улкан имкониятлар эшигини очиб бермоқда.

"Агробанк" АТБ жамоаси ҳам ана шу жараёнда фаол иштирок этиб, кенг қўламдаги ислоҳотларни амалга оширишда самарали натижаларга эришиб келмоқда. Хусусан, поёнига етган 2015 йил яъни, Кексаларни эъзозлаш йилида ҳам банк томонидан мижозларга, фермеру тадбиркорларга тезкор ва ишончли хизматлар кўрсатилди. Тадбиркорларнинг бизнес лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш учун кредит маблағлари йўналтирилди.

Банк томонидан олиб борилган ишларда Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарорида белгиланган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Дарҳақиқат, мана шундай кенг саъй-ҳаракатларда амалга оширилган ишларни рақамларда ҳам кўришимиз мумкин. 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банкнинг умумий капитали 470 миллиард сўм, устав капитали эса 318 миллиард сўмни ташкил этди. Банк ресурс базаси 2 триллион 991 миллиард сўм, шундан жалб қилинган депозитлар 2 триллион 71 миллиард сўмга етди. Бу эса ўтган йил бошига нисбатан 110 фоизга кўпайди. Ўтган 2015 йил давомида аҳолининг 105,4 миллиард сўмлик бўш пул маблағлари омонатларга жалб этилиб, уларнинг миқдори 1 триллион 102 миллиард сўмни ташкил қилди ва жорий йил бошига нисбатан 111 фоизга ўсди. Ўтган даврда жисмоний шахслар учун 28 та, шундан 26 та миллий ва 2 та хорижий валютада янги омонат турлари жорий қилинди. Бундан ташқари, хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини жалб қилишни кенгайтириш мақсадида ўтган йилда 200 миллиард сўмлик депозит сертификатларининг янги эмиссияси муомалага чиқарилди. Ҳисобот даврида 165,2 миллиард сўмлик депозит сертификатлари жойлаштирилди.

Шунингдек, банк кредит қўйилмалари бугунги кунга келиб 2 триллион 215 миллиард сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг 1 январига нисбатан 298 миллиард сўмга ёки 116 фоизга ошди.

"Агробанк" АТБ томонидан турли йўналишлардаги тадбиркорларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш натижасида ўтган йилда 77,5 мингта янги иш ўринлари ташкил этилиши янада қувонарли ҳол бўлди.

Молия муассасаси томонидан ўтган йилда ажратилган инвестицион кредитлар миқдори 669 миллиард сўмни ташкил этиб, белгиланган параметр кўрсаткичлари ижроси таъминланди. Бу эса 2014 йилга нисбатан 130 фоизга ўсди. Ушбу кредитлар саноатга, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва транспорт, моддий-техник таъминот ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига йўналтирилди.

Бундан ташқари, банк томонидан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, 5125 та лойиҳани молиялаштиришга 639 миллиард сўмлик маблағлар йўналтирилди. Дастурларга киритилган лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига 37,5 мингта янги иш ўринлари ташкил этишга эришилди.

Шуни мамнуният билан айтиш жоизки, банк фаолияти жаҳоннинг нуфузли халқаро рейтинг агентликлари ҳисобланган "Мудис" ҳамда "Фитч Рейтингс" компаниялари томонидан "барқарор" деб баҳоланиб келинмоқда.

Мана шундай устувор ислоҳотлар натижасида халқимиз турмуш фаровонлиги ошмоқда. Иқтисодиётимиз янада тараққий этмоқда. Қувонарлиси, бизнес лойиҳасини амалга оширмоқчи бўлган тадбиркорларимизга банк мададкор ва яқин кўмакчи бўлди. Натижада қанчадан-қанча оилаларга барака кирди. Жойларда бир-биридан кўркам ва замонавий ишлаб чиқариш мажмуалари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилди. Ҳудудларнинг янада обод ва фаровон бўлишига замин яратилди.

АГРАР ТАРМОҚ ТАРАҚҚИЁТИГА САРМОЯЛАР

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, яъни фермерликка кенг йўл очиб бериш, бир тармоқлиликдан кўп тармоқлиликка ўтиш борасида муайян ишлар олиб борилаётир. Бунинг натижасида аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини янада яхшилашга эришилмоқда.

"Агробанк" АТБ томонидан фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлашга ўтган 2015 йилда ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига асосан кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш мақсадларига 224,4 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди. Фермер хўжаликларида чорвачиликни ташкил қилишга 59,9 миллиард сўм, паррандачиликка 5,6 миллиард сўм, балиқчиликка 5,8 миллиард сўм, асаларичиликка 1,6 миллиард сўм банк сармоялари йўналтирилди. Боғ ва токзорларни ташкил қилишга 2,4 миллиард сўм, картошка ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришга 21,8 миллиард сўм, иссиқхоналарни барпо этишга 11 миллиард сўм кредитлар ажратилди.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги корхоналари, шу жумладан, фермер хўжаликларини қишлоқ хўжалиги техникалари, агрегатлар ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлашга 47,6 миллиард сўм кредит маблағлари йўналтирилган бўлса, ушбу маблағлар ҳисобига 157 та ҳайдов ва чопиқ тракторлари, 46 та комбайн, 200 та пахта териш машиналари ҳамда 57 тадан ортиқ турли қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатлари етказиб берилди.

– *Аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилаш, юртимиз тараққиётини юксалтириш борасида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бераётир, – дейди* ***"Қаландар Шукуржон" фермер хўжалиги раҳбари Умидбек Худойберганов.*** *– Бугунги кунда фермерлик ҳаракати иқтисодиётимизнинг йирик тармоқларидан бирга айланди. Айниқса, тармоқларни кўпайтириш борасидаги ишлар улкан аҳамият касб этаётир. Фермер хўжалигимизда бугунга келиб пахта ва ғалладан юқори ҳосил олиш билан бирга, чорва маҳсулотлари, яъни сут ва гўшт маҳсулотларини аҳоли истеъмоли учун етказиб беряпмиз. Буларнинг барчаси давлатимиз томонидан фермерликка қаратилаётган эътибор ва жамоамизнинг ҳамжиҳатлигидандир. Фермерларимизнинг фаолияти учун молия муассасаларининг молиявий мадади ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган йилда "Агробанк"нинг Урганч филиалидан бизнес лойиҳамга асосан 130 миллион сўм кредит маблағи олдик. Бунинг эвазига кўп турдаги агротехник тадбирларни амалга оширишга ихтисослашган трактор келтирдик. Сармоя ҳисобига қўшимча янги иш ўринлари яратилди.*

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини ошириш мақсадида ўтган йил давомида банк томонидан 10350 та лойиҳага 219 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Бундан ташқари, банк томонидан қиш-баҳор мавсумида аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини бир маромда қондиришга, мева-сабзавотчиликка ихтисослашган ҳудудларда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва уларни қайта ишлашга, шахсий ёрдамчи хўжаликларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишга кредитлар йўналтирилди.

– *Юртимизда аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиб бериш борасида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётир, – дейди* ***қарши туманилик якка тартибдаги тадбиркор Равшан Йўлдошев.*** *– Хусусан, мамлакатимизда шахсий ёрдамчи хўжаликларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, томорқалардан самарали фойдаланишга кредит маблағлари йўналтирилаётганлиги янада қувонарлидир. Аҳолига қулайлик яратиш ва даромадини оширишга қаратилган лойиҳаларни татбиқ этиш мақсадида жойларда ташкил этилган агрофирмаларнинг иш олиб бораётгани бу борада янгилик бўлди. Туманда ташкил этилган агрофирмадан банкнинг молиявий кўмаги асосида 3 бош қорамол олдим. Менга бу борада "Агробанк"нинг Қарши филиали мутахассисларининг маслаҳати қўл келди, албатта. Кредит ҳисобига келтирилган чорва моллари наслли, энг асосийси, маҳсулдордир. Шунингдек, 8 сотихли томорқамиздан самарали фойдаланиб келмоқдамиз. Чорва учун озуқани ўзимиз етиштиряпмиз. Келгусида чорва моллари бош сонини кўпайтириб, йирик чорвачилик фермасини барпо этиш ниятимиз бор.*

КИЧИК БИЗНЕСДАН КАТТА ДАРОМАД

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида давлатимиз томонидан улкан эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Мазкур тармоқни янада тараққий эттириш мақсадида ўнлаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши соҳага қаратилаётган эътиборнинг ёрқин кўринишидир. Муҳтарам Юртбошимизнинг 2015 йилда қабул қилинган "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка янада кенг йўл очиб берди.

"Агробанк" АТБ томонидан ўтган йилда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини янада ривожлантиришга асосий эътибор қаратилди ҳамда бу борада муҳим ишлар амалга оширилди.

Хусусан, ўтган 2015 йилда кичик бизнес субъектларига 931 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Ажратилган кредит маблағлари 2014 йилга нисбатан 130 фоизга ўсишга эришилди. Ҳисобот даврида 275 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар ажратилиб, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлашга қаратилган кичик бизнес субъектлари лойиҳаларини молиялаштиришга 270 миллиард сўм кредитлар йўналтирилди.

Шунингдек, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаларига 209 миллиард сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 56,3 миллиард сўм, тадбиркор аёлларнинг лойиҳаларини молиялаштиришга 104 миллиард сўм, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни кенгайтириш учун 18,9 миллиард сўм, жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, оилаларнинг турмуш шароитини яхшилаш йўналишларига 127,3 миллиард сўм, шахсий ёрдамчи хўжаликларда чорвачилик, мева-сабзавотчилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантиришга 41,2 миллиард сўм кредитлар ажратилди.

Молия муассасаси томонидан ёшларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш, уларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш борасида ҳам кенг қўламдаги ишлар олиб борилаётир. Хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш ва уларнинг тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 38,4 миллиард сўм кредитлар йўналтирилди.

– *Бугун давлатимиз томонидан тадбиркорларга ва тадбиркорлик билан шуғулланувчи коллеж битирувчиларига жуда катта имкониятлар яратиб берилмоқда, – дейди* ***Иштихон қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи битирувчиси Меҳриддин Ибрагимов.*** *– Бундан унумли фойдаланиб, фаровонликка эришаётган юртдошларимиз кўпчиликни ташкил этади. Мен ҳам турли ўлчамлардаги полиэтелин трубалар ишлаб чиқариш ускунасини харид қилиш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун пишиқ-пухта бизнес лойиҳа туздим. Бизнес лойиҳани "Агробанк"нинг Иштихон филиалига тақдим этдим. Уни банк жамоаси атрофлича ўрганиб, 60 миллион сўм миқдорида кредит маблағи ажратди. Шунинг ҳисобдан 3 киши муқим иш ўрнига эга бўлди. Мен ҳам тадбиркорлик фаолиятимни йўлга қўйдим.*

ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТЛАР ҚЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Бугунги кунга келиб замонавий техника ва технологиялар ҳаётимизнинг ажралмас бир қисмига айланиб улгурди. Ана шу замонавий ишланмалар орқали турмушимиз енгиллашмоқда. Узоғимиз яқин бўлмоқда. Айниқса, электрон тўлов тизими, пластик карточкалар жорий этилгани боис мушкулимиз ўз вақтида ечимини топмоқда. Бу қулай ва ҳамёнбоп электрон карточкалар мамлакатимизда жадаллик билан ривожланмоқда.

Давлатимиз томонидан пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этган ҳолда кўрсатилаётган хизматлар қўламини ривожлантириш борасида аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, муайян ишлар олиб борилмоқда ва бу ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Биргина "Агробанк" АТБ томонидан ҳозирга келиб ўрнатилган терминаллар сони 28066 тага, тарқатилган пластик карточкалар сони 3 миллион 184 мингтага етказилди. Банкнинг "онлайн" режимидаги 1633 мингта пластик карталари жойлаштирилиб, уларнинг сони ўтган бир йил давомида 146 фоизга кўпайди.

Пластик карталар билан ишлаш тизимида замонавий интерактив хизмат турларини ривожлантириш юзасидан ҳам банк томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, "Клик" ва "СМС-Тўлов" тизимлари жорий қилинганлиги натижасида пластик карталардаги маблағлардан мобиль телефон ва интернет орқали тўловлар ўтказиш йўлга қўйилди. Ушбу хизматдан фойдаланаётган мижозлар сони 362 мингтадан ошишига эришилди. Ўтган йилда "Мобиль савдо" янги хизмат тури жорий қилиниб, савдо шохобчаларида харидорлар томонидан товарлар ёки хизматлар учун тўловларни мобиль телефони орқали қабул қилиш имконияти яратилди.

Замонавий ахборот технологияларига асосланган хизматлар қўламини ривожлантириш ва кенгайтириш борасида банк томонидан ҳам бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, "Гаров реестри" ва "Кредит ахборот алмашинуви тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан мижозларнинг кредит тарихини яратиш ва гаров муносабатларини электрон тарзда аниқлаш тизими ривожлантирилмоқда. Кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш мақсадида жорий қилинган "Интернет банкинг" тизимига уланган мижозлар сони бугунга келиб 8,6 мингтага етган бўлса, "СМС-банкинг" хизматидан фойдаланаётган мижозлар сони 365 мингдан ошди.

Буларнинг барчаси замонавий хизмат турларидан ва глобал техника ва технологиялардан самарали фойдаланиш натижасида эришилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, банк-молия муассасалари томонидан иқтисодиётни ривожлантириш, мижозларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, тадбиркорлик ҳамда фермерлик ҳаракатини кенгайтириш, янгидан-янги замонавий банк хизматларини жорий этиш борасида устувор ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

"Агробанк" АТБ жамоаси Соғлом она ва бола йилида ҳам мижозларга тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатиб, Ватанимиз равнақи ва бунёдкорлиги йўлида меҳнат қилаётган ишбилармон, тадбиркор, фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилишида муносиб ҳисса қўшади.

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ

Хизматлар лицензияланган.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Шуҳрат ТЕШАЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-76-78, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 401-29-59; Жиззах – (+99893) 940-00-27; Навоий – (+99894) 374-77-62; Наманган – (+99893) 948-53-86; Фарғона – (+99890) 407-76-03; Самарқанд – (+99893) 994-57-08; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 236-26-50, 233-28-04.

Навбатчи муҳаррир: Ж.ЭШНИЁЗОВ

Мусаҳҳиҳ: М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Дизайнер: Н.ТЕМИРОВ

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чикади.

Буюртма Г-119, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00

Босишга топширилди: 21.50

23339 нусхада чоп этилди. Нашр индекси — 144

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5